

Шерободда "Саломатлик сайллари" ўтказилди



Унда тор доирадаги 12 та мутахасислар жумладан Кардиолог ЭКГ билан, Терапевт, Уролог, Хирург, Лор, Невропатолог, Окулист, Гинеколог УЗД билан, Педиатр ҳамда бошқа мутахасислар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.

Ушбу саломатлик сайлида 435 нафар фуқоро ҳамда 5 нафар ётиб қолган беморлар тиббий кўриктан ўтказилиб, 29 нафар беморга йўлланмалар берилди, 85 нафар беморга мутахасислар тавсияси билан бепул дори дармонлар топширилди, 5 нафар беморларни вилоят кардиология марказига ЭХО ЭКГ текширувига йўлланма, 8 нафар беморга туман ТТБга қарашли терапия бўлимида статционар ётиб даволаниш учун йўлланма берилди.

Шунингдек, ташриф буюрган беморларга мутахассислар томонидан амбулатор даво ва соғломлаштириш ишлари олиб борилди.